Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

● 2012-yil, 5-yanvar. Payshanba ● 2 (31.434) Ijtimoiy-siyosiy gazeta ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan ● www.uzbekistonovozi.uz

Президентимиз инсон манфаати ва қадрини улуғлаш мақсадида юртимизда муҳим лойиҳалар амалга оширилгани, бунинг натижасида кишиларнинг ўртача умр кўриш даражаси ошгани, оналар ва болалар ўлими кескин камайгани, қўлга киритилган бундай ютуқлар нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилганини алоҳида таъкидлади. Бу ҳаммамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди, албатта.



Муродбек ЗИЁ олган сурат.

# ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ КАФОЛАТИ

Дарҳақиқат, давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам ҳажми ва сифати йилдан-йилга яхшиланиб бораётгани, хусусан, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишга катта эътибор берилаётгани бир она ва мутахассис сифатида мени хурсанд қилади. Бугун нафақат давлат тиббиёт муассасалари, шу билан бирга, хусусий тиббиёт масканлари фаолияти ҳам ривож топиб, аҳолига тиббий хизмат кўлами ортиб бормоқда.

Тиббиёт амалиётига даволашнинг илғор услублари ва технологиялари жорий этилмоқда. Замонавий ташхис қўйиш ва даволаш ускуналари ёрдамида юқори малакали тиббий хизматга муҳтож беморларни даволаш имкони кенгаймоқда. Айниқса, болаларни юқумли касалликлар ва эпидемиялардан асраш борасида санитария-эпидемиология хизмати самарадорлиги ошди. Эришилаётган бу ютуқларни бизнинг поликлиника мисолида ҳам кўриш ва ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Муассасамиз 61 минг нафар аҳолига хизмат қилади. Уларнинг 19785 нафари туғиш ёшидаги аёллар. Улар ҳар йили икки марта бепул тиббий кўрикдан ўтказилади. Ҳар ойнинг иккинчи ҳафтасида тумандаги 6 та мактаб ва 8 та мактабгача таълим муассасасида саломатлик ҳафтаси ташкил этилади.

Шунингдек, поликлиникамизда 20 ўринга мўлжалланган кундузги шифохона фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда узлуксиз даволанишга муҳтож бўлмаган беморлар муолажа қилинади. Айни вақтда 21 нафар ўзгалар қаровига муҳтож кекса, 31 нафар пенсионер, ногирон, ёлғиз кишилар поликлиникамиз қарамоғида. Шифокор ва ҳамширалар уларнинг уйларига бориб, саломатлигини назорат қилади ва тиббий хизмат кўрсатишади.

Поликлиникада «Соғлом она — соғлом бола» бўлими, «Оналар мактаби» ўқув курслари ташкил қилинган. Уларда аёллар оналик, бола парвариши, бир сўз билан айтганда, соғлом турмуш тарзи бўйича маслаҳат олади, билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашади.

**Кимё ШОКИРОВА,**
**52-оилавий поликлиника бош шифокори,**
**Тошкент шаҳар Кенгаши депутати.**

Муносабат

# ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

Жаҳон миқёсида глобал молиявий-иқтисодий инқироз ҳукм сурган ҳозирги нотинч ва таҳликали замонда мамлакатимизда иқтисодиётни изчил ва аниқ йўналтирилган тарзда ривожлантиришга, янги иш ўринлари очиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга жиддий эътибор қаратилгани, бу саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бераётгани кишини қувонтиради. Бу йилги Давлат бюджетининг 60 фоиздан ортиғи ижтимоий соҳа, жумладан, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, илм-фан ва маданият тармоқларини юксалтиришга йўналтирилган...

Хусусан, бу йил таълим муассасаларини қуриш, жиҳозлаш, таъмирлаш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ишлари доирасида олис туман ҳамда қишлоқлардаги касб-ҳунар коллежлари, уларнинг филиалларини бунёд этиш, реконструкция қилиш, замонавий ўқув асбоб-ускуналари билан таъминлаш кўзда тутилган. Шунингдек, олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини такомиллаштириш ишларини изчил давом эттириш мақсадида бу тизимга ажратиладиган маблағ миқдорини ўтган йилга нисбатан 2,44 бароборга ошириш белгиланган.



**Улуғбек ЗОКИРОВ,**
*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси*

Ҳар бир соҳа замон талаблари даражасида ривож топиши кадрлар билими ва салоҳиятига боғлиқ, албатта. Шундан келиб чиқиб, жорий йилда ёш авлод таълим-тарбиясига янада катта эътибор қилинаётгани, аҳоли турмуш фаровонлиги устувор мақсад этиб белгиланган ҳар биримизни мамнун этади. Айни пайтда, зиммамизга жойларда қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, тармоқ ва маҳаллий ривожланиш дастурлари ижроси бўйича парламент назоратини кучайтириш, жамоатчиликнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини оширишга қаратилган ташаббусларни кўпайтириш масъулиятини юклайди. Фарзандлар тарбиясига бефарқ қарамайдиган, улар бахтли яшашини истайдиган ҳар бир инсон, партиямиз фаоллари ва биз — депутатлар бу масалага сидқидилдан ёндашишимиз, ҳаётий ғояларни илгари суришимиз лозим.

Президентимиз Янги йил табригида жорий йилда иш ҳақи, пенсия, ижтимоий нафақа ва стипендиялар миқдорини 20 фоизга ошириш кўзда тутилгани, аҳолининг реал даромадлари эса 22-24 фоизга кўпайиши белгиланганини қайд этди.

Шунга мувофиқ тарзда жорий йилнинг 1 январидан бошлаб ягона тариф сеткасининг ва меҳнатга ҳақ тўлаш тармоқ тизимининг базавий даражаси биринчи разряд этиб белгиланиши, айни пайтда, мулкчилик шаклидан қатъи назар, республикадаги барча корхона ва ташкилотларда тўланадиган иш ҳақи ишчилар меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича ягона тариф сеткасининг биринчи разрядидан кам бўлмаслигини назарда тутувчи тартиб жорий қилиниши кўзда тутилган. Бу — меҳнатга ҳақ тўлаш тизими янада такомиллаштирилади, деганидир.

Бу йил бюджет муассасалари тизимида иш ҳақи, пенсия, ижтимоий нафақа ва стипендиялар миқдорини тегишли тартибда икки босқичда 1,23 баробар ошириш кўзда тутилгани мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя, аҳоли даромадлари кўпайиши устувор аҳамиятга эга эканидан далолат, албатта.

Аҳоли даромадлари кўпайса, оилалар тўкислиги ортади. Оилаларнинг даромади кўпайса, ота-оналарнинг фарзандлар яхши таълим-тарбия олиши, ўзлари қизиққан соҳада ўқиб изланиши, замонавий билим эгаллаши учун кўнгилдагидек шароит яратиб бериш имкони ортади. Кишиларнинг орзу-интилишлари, дилидаги ниятлари рўёбга чиқиши учун қулай шарт-шароит юзага келади. Энг муҳими, оиласи тўкис, ҳаёти беками кўст киши юрт юксалиши, жамият равнақи йўлида жонбозлик кўрсатади, астойдил меҳнат қилади. Бу эса кучли фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим омилидир.





# ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ ЯНГИ БИНОДА

**Умумий майдони 7 минг квадрат метрни ташкил этувчи ушбу билим даргоҳи 3 қават бўлиб, 30 та ўқув аудиторияси, 10 та компьютер хонаси, 2 та лаборатория, жаҳон андозаларига мос тарзда жиҳозланган конференция зали, мультимедиа синфи, замонавий спорт залига эга.**

Таълим ва ислоҳот

— Яратилган шундай кенг имкониятдан биз ёшлар унумли фойдаланишимиз, ўз соҳамизнинг етук мутахассислари бўлиб етишишимиз керак, — деди талаба Дилбар Абдусатторова.

— Бундай бинони кўриб, ҳар қандай кишининг ҳаваси келади, — деди ТАТУ Самарқанд филиали маркетинг бўлими бошлиғи Баҳодир Назаров. — Бу ердаги шарт-шароитлар тўкис. Талабалар ўқув хоналаридан туриб исталган мамлакат билан «Он Лайн» орқали мулоқотга киришиши мумкин.

Дарҳақиқат, тантанали очилиш маросимдан сўнг ТАТУнинг республикамиздаги филиаллари жамоаси билан «Он Лайн» мулоқотга киришилди.

**Абдували ХУДОЁРОВ**

Акс-садо

# ЕТАКЧИ САЛОҲИЯТИ

**«Ўзбекистон овози» газетасининг 2011 йил 24 ноябрь сонида чоп этилган «Бугунги партия етакчиси. У қандай салоҳиятга эга бўлиши керак?» сарлавҳали давра суҳбатини қайта-қайта ўқиб чиқдим. Унда айтилган фикр-мулоҳазалар бизнинг иш фаолиятимиз учун ўзига хос йўлланма бўлди.**

Етакчи ўзининг ташкилотчилик қобилияти, фидойилиги, юриш-туриши билан бошқаларга намуна бўлиши керак. Агар етакчининг сўзи билан иши бир-бирига тўғри келмаса, бошқаларни ўз ортидан эргаштира олмайди. Етакчи электорат вакилларига қанча кўп эътибор қилса, шунча обрў топади. Сидқидилдан бажарилган ҳар бир иш ўз самарасини беради, албатта. Буни биргина бизнинг бошланғич ташкилотимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Унда 86 нафар ЎзХДП аъзоси бор. Яқинда 22 нафар ёш ҳамкасбимиз сафимизга қўшилди. Булар бошланғич ташкилотимиз томонидан олиб борилган тарғибот-ташвиқот ишлари самараси деб ўйлайман.

**Бахтиёр ҲАСАНОВ,**
**Андижон вилояти,**
**Жалақудуқ туман тиббиёт бирлашмаси бошланғич партия ташкилоти етакчиси.**

●●●

ЎзХДП Сайловолди дастурида белгиланган устувор вазифалар қай даражада ижро этилиши партия бошланғич ва ҳудудий ташкилотлари етакчилари тажрибаси ва салоҳиятига боғлиқ.

Партия етакчиси сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан билимли, ўз устида тинмай ишлайдиган, янгиликка интилувчан киши бўлиши керак. Партия аъзолари ундан ибрат олса, унга тан берса, демак у ҳақиқий етакчи.

Ёшларимиз бугунги кунда партия етакчиси деганда кимни тасаввур қилади? Ундан нима кутишади? Шу ўринда бир таклифим бор: фаол ёшларимизнинг фикр-мулоҳазалари ўзаро баҳс-мунозара тарзида «Ўзбекистон овози» газетасида «Истиқбол» минбари» рукни остида ёритилиб, хилма-хил фикрлар орқали бойитиб борилса, ўйлайманки, бизнинг сиёсий билимимиз ошишига хизмат қилади.

**Музаффар МАҲАМАТКАРИМОВ,**
**Қибрай тумани «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоли.**



## Оила ҳақидаги ҳикматлар

***Порсо (хушхулқ) инсон уй тиклаб, олов ва оиласига, хотин ва фарзандларига, подаларига ўрин ажратиб берса, уйида ноз-неъматлари муҳайё бўлиб, хотин ва фарзандлари фаровон яшаса, ем-хашаги кўп бўлиб, чорваси ва итлари тўқ яшаса, уйида эътиқоди собит, олови алангали, бошқа нарсалари ҳам мўл-кўл бўлса, ўша манзил муҳтарамдир.***

**«Авесто» китобидан**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2012 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ**

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1847,05 | 1 Миср фунти | 297,93 | 1 СДР | 2757,68 | 10 Жанубий Корея вони | 15,62 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2789,17 | 1 Канада доллари | 1768,28 | 1 Туркия лираси | 951,14 | 10 Япония иенаси | 233,67 |
| 1 БАА дирҳами | 489,09 | 1 Хитой юани | 285,41 | 1 Швейцария франки | 1914,13 | 1 Россия рубли | 55,79 |
| 1 АҚШ доллари | 1796,22 | 1 Малайзия ринггити | 570,32 | 1 Евро | 2335,78 | 1 Украина гривнаси | 224,81 |

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

# АНИҚ ТАШАББУС ВА АМАЛИЙ ИШЛАР

*оилалар фаровонлигига хизмат қилади*

Муносабат



**Мамлакат ҳаётининг асосий таянчи оиладир. Унинг илдизларини мустаҳкамлаш, ҳар жиҳатдан соғлом оилани шакллантириш Ватан истиқболини белгилайди, халқ манфаатига хизмат қилади. Чунки, оила қанчалик мустаҳкам бўлса, жамият шунчалик кучли, барқарор ва фаровон бўлади. Янги йилимизни «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилиниши замирида ҳам шу эзгу мақсад мужассам.**

Президентимиз янги йил табригида буни алоҳида таъкидлади, оила институтини, аввало, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оила таянчи бўлган аёллар оғирини енгил қилиш, маҳалла тизимининг бу борадаги таъсирини кучайтириш масаласига алоҳида урғу берди. Шундан келиб чиқиб, биз ҳам шу мақсад йўлида фаол ҳаракат қилишимиз, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида аниқ-равшан ташаббус ва амалий ишларимизни кучайтиришимиз керак.

Айни чоғда, партиямизнинг вилоят бўйича 25 минг нафардан ортиқ аъзоси бор. Вилоят Кенгашида 18 нафар, туман ва шаҳар Кенгашларида 107 нафар депутат фаолият кўрсатади. Албатта, оилаларни мустаҳкамлашда уларнинг кучидан тўла фойдаланишга ҳаракат қиламиз. Хусусан, жойларда ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга оид қонуний меъёрлар ва бошқа қарорлар ижросини тизимли мониторинг қилиш бўйича режа туздик. Бу билан оилалар муаммосини ўрганиш ва улар ечимига муносиб ҳисса қўшиш мумкин. Шунингдек, маҳалла тизими билан алоқани келгуси йил яна ҳам жонлантирамиз. Негаки, маҳалла оилалар истиқомат қиладиган маскан. Унга чуқур кириб борсак, аҳолининг турмуш шароити, яшаш тарзи ва қувончу ташвишидан тўла огоҳ бўламиз. Одамларни қайнаётган муаммоларни ҳал этсак, уларга кўмак берсак, бу оила мустаҳкамлиги учун хизмат қилади.

2011-2014 йилларга мўлжалланган партиямизнинг Ҳаракат дастури бўйича ишларни изчил давом эттириш ҳам доим диққат-эътиборимизда. Дастурда аҳолининг бандлик даражасини ошириш, намунавий уй-жойлар билан таъминлашга доир қатор чора-тадбирлар белгиланганки, бу ҳам бевосита оилалар манфаатига қаратилган. Чунки, ўз ишига, уй-жойига эга бўлган кишининг хонадонида тинчлик, хотиржамлик, тўкин-сочинлик бўлади. Демак, ҳаракатимиз қайси йўналишда бўлишидан қатъи назар, барчаси оила фаровонлиги, кишиларимиз бахту саодатига қаратилган.

**Обид ШАБАНОВ,**
**ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши раиси ўринбосари.**

# МАСЪУЛИЯТЛИ ВАЗИФАЛАР

Давлатимиз раҳбари Янги йил табригида **оила институтини, аввало, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оила таянчи бўлган аёлларимизнинг оғирини енгил қилиш, маҳалла тизимининг бу борадаги ролини кучайтириш, мухтасар айтганда, оила фаровонлигини ва шу асосда бутун халқимиз фаровонлигини янада ошириш...** лозимлигини таъкидлади.

Ўтган йили бошланғич ташкилотимиз сон ва сифат жиҳатидан мустаҳкамланди. Сафимизга 10 нафар аъзо қабул қилдик. Айни пайтда бошланғич ташкилотимизда 48 нафар аъзо борлигини ҳисобга олсак, катта имкониятга эга эканимиз аён бўлади. ЎзХДП Марказий Кенгаши вилоятда ўтказган иқтисодий форумда партиямиз фаоли Тошпўлат Ўринбоев 14 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиб, иссиқхона ташкил этди. Янги иш ўринлари яратди.

Форум доирасида Бошланғич партия ташкилоти ва маҳаллий Кенгашдаги депутатларимиз ёрдами билан 20 нафар электоратимиз вакили ўз ишини йўлга қўйди. Албатта, бу саъй-ҳаракатлар оила равнақи ва турмуш фаровонлигига хизмат қилади.

Янги йилда зиммамизда жуда масъулиятли вазифалар турибди. Мустаҳкам оила йилида, айниқса, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқчимиз. Шу маънода, биз маҳалладаги 849 та оила билан узлуксиз ишлаш бўйича режа туздик. Айниқса, партиямиз дастуридан келиб чиқиб, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш фаолиятимизнинг асосий йўналиши бўлади.

Туманимизда 62 та бошланғич ташкилот бор. Одатда, қаерда қуйи бўғин аъзолари фаол ва фидойи, ташаббускор бўлса, ўша жойда партиянинг обрўси ва мавқеи баланд бўлади. Биз қуйи бўғин билан туман Кенгаши депутатлари ҳамкорлигини янада кучайтиришни режалаштирганмиз. Бу ҳамкорлик электорат муаммоларини ўрганиш ва ечишда яхши самара бермоқда.

Партиямизнинг дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, бу муҳим ишга муносиб ҳисса қўшишни бурчимиз, деб ҳисоблаймиз.

**Баҳора ЖУМАБОЕВА,**
**Ғаллаорол туманидаги Ғафур Ғулом маҳалла ҳудудий партия ташкилоти раиси, туман Кенгаши депутати.**

Қарор ва шарҳ

# МИЛЛИЙ АХБОРОТ МАКОНИ

*иқтисодий мустақиллиги, равнақини таъминлашнинг янги босқичи*

**Президентимизнинг «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги Қарори у киши илгари сурган Концепция ғоялари ҳаётга татбиқ этилаётганининг амалий ифодаси ва тасдиғидир.**



**Дилбар ХОЛИҚОВА,**
*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси*

Мазкур Қарор ахборот соҳасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича оммавий ахборот воситалари имкониятини кенгайтиради, иқтисодий асосларини мустаҳкамлайди. Оммавий ахборот воситалари фаолияти рағбатлантирилиши, иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватланиши, соҳа ривож топиши, жамиятда ахборотга бўлган эҳтиёж қондирилишига шарт-шароит яратиб беради. Бу ислоҳотлар самарадорлигини ошириш, давлат ва жамият бошқарувини демократлаштиришда фуқароларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини кучайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатишда муҳим аҳамият касб этади. Чунки иқтисодий жиҳатдан эркин, бақувват ва мустақил оммавий ахборот воситаси жамоатчиликка таҳлилий, тезкор ва холис маълумот етказиб бериш имконига эга бўлади.

Қарорга асосан шу йилнинг 1 январидан бошлаб оммавий ахборот воситалари таҳририятлари ва нашриётлар ижтимоий-сиёсий ҳамда болалар адабиётини, имконияти чекланган шахслар (кўзи ожизлар, карсоқовлар ва бошқалар) учун адабиётларни сотишдан олинган фойдадан фойда солиғидан, шунингдек, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлашдан беш йил муддатга озод этилди. Бу, давлатимизда баркамол авлод тарбиясига алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаётгани, болалар, имкониятлари чекланган кишилар учун мўлжалланган, яъни ижтимоий йўналтирилган оммавий ахборот воситаларига катта имтиёз берилаётганидан далолатдир.

**«Мамлакатимиздаги оммавий ахборот воситаларининг 54 фоиздан ортиғини нодавлат ОАВ ташкил этади. Уларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши нодавлат оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги ўрни мустаҳкамланишига замин яратади. Шу орқали фуқароларнинг ахборот олиш имкони ортади, ҳудудлар ва тармоқлар бўйича таҳлилий маълумотлар кўпаяди, жамиятда фикрлар хилма-хиллиги кучаяди.»**

Қарорда оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш мақсадида белгиланган солиқ ва божхона имтиёзлари орқали ахборот соҳасини эркинлаштириш, кадрлар меҳнатини ҳар жиҳатдан рағбатлантириш, уларга қулай шароит яратиб бериш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш, соҳага замонавий бозор муносабатларини жорий этиш, бир сўз билан айтганда, миллий ахборот макони равнақини янги босқичга кўтариш учун қулай муҳит юзага келади.

ЎзХДП: Маҳаллий кенгашларида

# БОШ МАСАЛА — АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ

Ҳеч кимдан кам бўлмаган соғлом ва баркамол ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш давлатимиз сиёсатида етакчи ўрин тутади. Янги йил табригида Юртбошимиз бу масалага алоҳида урғу берди.

Қуш уясида кўрганини қилади деганларидек, боланинг комил фарзанд бўлиб вояга етиши, аввало, оилага боғлиқ. Шу маънода шаҳримиздаги мактаб ва мактабгача таълим муассасалари, маҳалла фуқаролар йиғинининг оилалар билан алоқасини мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, ҳар бир оилада юксак тиббий маданият шаклланиши зарур. Соғлом турмуш тарзининг қарор топиши ҳам оила мустаҳкамлигига хизмат қилади.

**Бу борада малакали тиббиётчилар ҳар бир оилага кириб бориши, тиббий хизмат маданияти тарғиботини кучайтириши лозим. Оила аъзолари жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом бўлса, катта ишларга қодир бўлади, оила тинч, бахтли бўлади.**

Албатта, Мустаҳкам оила йилида амалга ошириладиган ишларимиз ҳар биримиздан катта масъулият ва фидойилик талаб этади. Биз учун энг муҳими, оилаларни ижтимоий томондан қўллаб-қувватлаш борасидаги вазифаларни аниқ белгилаб олмоқ зарур. ЎзХДП электорати манфаати билан боғлиқ аниқ таклифлар билан чиқишимиз керак бўлади. Бунинг учун партиямизнинг туман ва шаҳар Кенгашлари ва депутатлик гуруҳларининг изчил ҳамкорлиги яхши самара беради.

**Шоҳида ҚАРШИЕВА,**
**Янгиер шаҳар Кенгаши депутати, шаҳар кўп тармоқли поликлиникаси мудири.**

**Навоий вилоят партия кенгаши «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қанотлари билан Навоий шаҳар «Баркамол авлод» болалар ижодиёти маркази ҳамкорлигида ўқувчиларнинг қишки таътил кунларида Янги йил байрами тадбири ташкил этилди.**

# ШОДЛИГУ ҚУВОНЧ

*улашиш хайрли ишдир*

Унда партиямиз электорати — кам таъминланган оилалар фарзандлари ва ногирон болаларнинг 72 нафарига ҳомийлар томонидан совғалар топширилди. Қорбобо ва Қорқиз иштирокида театрлаштирилган томоша ва қизиқарли ўйинлар болажонларда катта таассурот қолдирди.

— Бундай тадбирлар болаларга қанчалик хурсандчилик ва шодлик улашса, биз партия фаоллари шунча мамнун бўламиз, — дейди тадбир ташкилотчилари. — Чунки партиямиз электоратини қўллаб-қувватлаш ҳар бир партия фаолининг бурчидир. Айниқса, биз билан ҳамкорлик қилаётган турли ташкилотлар кўмаги туфайли байрам тадбири мазмунли ва кўтаринки руҳда ўтди.

— Ўзбекистон ХДП аъзосиман, — дейди «Марзияхоним» МЧЖ раҳбари Шафоат Нуруллаева. — «Савоб ишни ҳар ким қилиши керак. Савоб ишни ҳар кун қилиш керак» деган тамойилга доим амал қилиб келаман. Иссиқхонам бор, ундан олган даромаднинг бир қисмини мана шундай тадбирлар учун ажратаман. Бу борада ёлғиз мен эмас, «Қурбонгул боғи» МЧЖ раҳбари Нигора Ризаева ҳам савоб ишларга ҳомийлик қилиб келмоқда. Болаларнинг кўзларидаги қувонч ва шодликни кўриб, партиямиз дастурий мақсадларига озми-кўпми ҳисса қўшаётганимдан кўнглим ўсади.

— Байрам кечасини ташкил этиб, фарзандларимизга қувонч улашган ташкилотчилар, айниқса, ХДП фаолларидан миннатдормиз, — дейди Бўригул Усмонова. — Бугун фарзандимнинг юз-кўзидаги шодликни кўриб, ўзим ҳам қувониб кетдим.

Дарҳақиқат, дунёда болалар қувончидан ортиқ қувонч йўқ. Болаларга қувонч улашиш эса энг хайрли амаллардан ҳисобланади.

**Элмурод ЭГАМҚУЛОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

ЎзХДП: «Истиқбол» ёшлар қаноти

«Истиқбол» ёшлар қаноти учун ўтган йил ютуқларга бой бўлди. Қанот сафига кўплаб фидойи, жонкуяр, фаол ва интилувчан ёшлар келиб қўшилди. Диққатга сазовор ташаббуслар олға сурилди. «Истиқбол» ёшлар қаноти Тошкент вилоят бўлими етакчиси **Маъмура Эргашева** билан суҳбатимиз шу ҳақда.

# ПАРВОЗЛАР БАЛАНД БЎЛАДИ

***— Қанотнинг 2011 йилги фаолияти ҳақида нима дея оласиз?***

— 2011 йилдаги фаолиятимиз самарали бўлди. Айниқса, партиянинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури ижросини таъминлаш бўйича кўплаб амалий ишлар қилинди. Хусусан, ёшлар ўртасида ўқув-семинарлар, давра суҳбатлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгаш депутатлари билан учрашувлар, танловлар ташкил этилди.

Бироқ тан олиш керакки, ишимизда камчиликлар борлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Ўтказилаётган айрим тадбирларда ишлар ҳисоботи билан чекланиб қолинмоқда. Жойларда ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотлар самарадорлигини ошириш борасида сафимиздаги тенгдошлар ҳам пухта ўйлаб ишлаб чиқилган таклифлар киритиши лозим.

*Юртбошимиз мустаҳкам оила ва бахтли турмуш, аввалам-бор, оила қурадиган ёшларнинг ўзига, уларнинг ақл-заковати, маънавий фазилатларига, оила, жамият олдидаги бурчи ва масъулиятини чуқур ҳис этиб яшашига боғлиқ эканини таъкидламоқда. Бу, албатта, ёшлар қаноти зиммасидаги масъулиятни оширади.*

Айни чоғда қанотнинг вилоят бўлими ўн мингга яқин аъзони бирлаштирган. Бу — катта куч. Биз уни оила институтини янада мустаҳкамлашга сафарбар этсак, тенгдошларимиз онгига оила муқаддаслиги, Ватан фаровонлиги ва тинчлигини таъминлашда унинг ўрни ва аҳамияти катта эканини сингдирсак, бунинг самараси яхши бўлади.

***— Президентимизнинг Янги йил табригида ёшларга билдирилган ишонч ва қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, қандай режалар белгиланмоқда?***

— Янги йилда ёшлар қаноти шуғулланадиган қатор вазифалар бор. Тенгдошларимизнинг турмуш тарзини, қизиқишларини мониторинг асосида ўрганишимиз, уларнинг тарбиясида оиланинг нечоғли аҳамиятга эгалигини билишимиз керак.

*Оиланинг мустаҳкамлигига эришиш учун ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, фарзандларга маънавий, ижтимоий ва тарбиявий жиҳатдан кўмак бериш лозим. Бу борада жойлардаги маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликни кенгайтирамиз.*

Амалий ишларимиз доирасига касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, уч томонлама шартномаларнинг бажарилишини қатъий ўрганиш ҳам киради. Агар бу йўналишда аниқ самарага эришсак, бу бевосита оилалар тинчлиги ва фаровонлигига хизмат қилади. Ёшлар қонуний кафолатланган иш билан таъминланса, оиласига нафи тегади, иқтисодий муаммолар бартараф этилади.

***— Тенгдошларга тилакларингиз...***

— Сафимиздаги йигит-қизлар янада фаол бўлиб, эзгу мақсад йўлида дадил қадам ташласин. Қанотимизга эса баланд парвоз тилайман!

**«Ўзбекистон овози» мухбири Гулруҳ ОДАШБОЕВА суҳбатлашди.**

2012 йил — «Мустаҳкам оила йили»

# СОҒЛОМ ОИЛА МУСТАҲКАМ БЎЛАДИ

**Оила мўъжаз қўрғонга ўхшайди, унинг пойдевори, метиндек устунлари бор. Саломатлик — оиланинг тамал тоши. Юртбошимиз қутлуғ ният билан янги йилни Мустаҳкам оила йили деб эълон қилди. Оиланинг мустаҳкамлигини белгиловчи асосий жиҳатлардан бири — аввало соғлом турмуш тарзини шакллантириш, албатта. Бунда қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларнинг ўрни жуда муҳим.**



Ҳозир республикада замонавий тиббий асбоб-ускуна, малакали умумамалиёт шифокорлари билан таъминланган 3200 дан ортиқ қишлоқ врачлик пунктлари халқимиз соғлигини ҳимоя қилаяпти.

Сирдарё вилоятида ҳам бу борада кўп хайрли ишлар амалга оширилди, жумладан, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш такомиллашиб боряпти. Мавжуд 150 та ҚВПнинг 97 таси лойиҳа асосида янгидан бунёд этилган, 53 таси қайта ташкил топган.

«Саломатлик — 1» лойиҳаси асосида вилоятдаги 121 та ҚВП умумий ҳажми 4,4 миллион АҚШ долларига тенг замонавий тиббий асбоблар, дори-дармон билан таъминланди. «Саломатлик — 2» лойиҳаси доирасида 2004-2007 йилларда ташкил этилган 25 та ҚВП, 4 та шаҳар оилавий поликлиникасида 230 минг АҚШ долларига тенг миқдордаги жиҳозлаш ишлари бажарилди.

Аҳолига сифатли тиббий хизмат кўп жиҳатдан кадрларнинг замонавий билим ва малакасига боғлиқ. Мавжуд қишлоқ врачлик пунктларида фаолият кўрсатаётган 167 нафар врач пойтахт тиббий муассасаларида ташкил этилган 10 ойлик умумамалиёт врачларни тайёрлаш курсларида таҳсил олишди.

— **Вилоятимизнинг 728,1 нафардан ортиқ аҳолиси бўлиб, уларнинг 68,6 фоизи қишлоқларда истиқомат қилади. Мавжуд 150 та қишлоқ врачлик пункти, 8 та шаҳар врачлик пункти одамларимиз саломатлигини муҳофаза қилаяпти,** — дейди Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Файзулла Мавлонов. — **Давлатимиз раҳбари томонидан янги йилимиз Мустаҳкам оила йили деб аталиши замирида қутлуғ ниятлар мужассам. Вилоятимизда фаолият кўрсатаётган ҚВПлар умумамалиёт шифокорларининг мақсади ўз ҳудудидаги ҳар бир хонадонда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш орқали оила мустаҳкамлигини таъминлашга эришишдир.**

2011 йилда Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутахассислари, вилоят шифокорлари билан ҳамкорликда 8 та тумандаги 108 та ҚВПда 12 марта 2 босқичдан иборат «Туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш ҳафталиги» ўтказилди. Тадбирда 54049 нафар аёл, жумладан, 32763 нафар туғиш ёшидаги аёл, 21286 нафар 14 ёшгача бўлган болалар тиббий кўрикдан ўтказилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 июлдаги «Республиканинг қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан келиб чиқиб, туманларда оналар ва болалар репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида «Соғлом она — соғлом бола» мақсадли вазифалар изчил амалга оширилмоқда.

2011 йил режа асосида 25 та дорихона шохобчаси очилиши кўзда тутилган эди, шу кунгача 60 та дорихона шохобчаси иш бошлади. Барча ҚВПлар телефон алоқа воситалари билан таъминланди. Қишлоқ врачлик пунктларини моддий-техник базасини яхшилаш, уларга умумий амалиёт шифокорларини жалб қилиш мақсадида барча туманларда васийлик кенгашлари тузилди.

2011 йилда 2 та мавжуд ҚВП капитал таъмирланди. Шунингдек, Боёвут туманида янги қишлоқ врачлик пункти қуриб, ишга туширилди.

Вилоят соғлиқни сақлаш тизими бўйича 2012 йилда 20 та қишлоқ врачлик пункти таъмирланиши манзилли дастурга киритилган.

Яратилаётган бундай қулай шарт-шароит сифатли тиббий хизмат кўрсатишга, оилаларнинг саломатлигини таъминлашга замин яратмоқда.

— **Яқин ўтмишда маҳалламизда девори тепса қулагудек амбулатория бўларди,** — дейди Сирдарё тумани, Мустақиллик маҳалласида яшовчи 100 ёшдан ошган Обид Йўлдошев. — Бугун маҳалламизда янги, чиройли, замонавий асбоб-ускунали қишлоқ врачлик пунктимиз, хушмуомала дўхтирларимиз бор, Зумрад дўхтир қизим кунора уйимизга келиб, соғлигимни текширади, аҳволимни суриштиради. Бундай ҳаётдан рози бўлмаслик мумкинми?! Соғлом, пок оила метиндай мустаҳкам бўлади. Бир ўғил, уч қиз, невара, эвараларим бор. Яратганга шукр, ҳаммаси ўзига тинч! Аслида, бахт шу!

**Саида САЙХУН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

XXI аср — интеллектуал бойлик асри

# ЯНГИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ

## нефть, газ саноати ривожига хизмат қилади

**XIX аср бошигача ер юзидаги асосий энергия ресурси ёғоч эди. Шундан сўнг у ўз ўрнини кўмирга бўшатиб берди. Бироқ унинг ҳукмронлиги ҳам узоққа бормади. Бутун дунёда нефть ва табиий газ қазиб олишнинг жадал суръатлар билан ривожланиши «қора олтин» ҳамда «зангори олов»ни беқиёс энергия манбаига айлантирди.**

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда нефть ва газ саноатини ривожлантириш борасида ҳам чуқур ислоҳотлар ўтказилди. Жумладан, улар билан боғлиқ барча корхона, ташкилот ва муассасалар ягона бошқарувга бирлаштирилиб, «Ўзбекнефтгаз» холдинг миллий корпорацияси ташкил этилди. Мамлакатнинг ёқилғи мустақиллигига эришиш ва экспорт салоҳиятини ошириш йўлида корпорация томонидан бир қанча лойиҳалар амалга оширилди.

Бироқ нефть ва газ маҳсулотларининг хоссаларини яхшиловчи кўп функционал присадкаларни хорижий давлатлардан импорт қилиш давом этмоқда. Шу ўринда функционал присадкалар ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз. Нефть ва газни қайта ишлаш корхоналарида хомашё оқиб ўтадиган қувурларнинг ички деворида маълум муддатдан кейин чўкинди жинслар пайдо бўлади. Газетхонларда аниқ тушунча ҳосил бўлиши учун оддий мисол, баъзида хонадонимиздаги идишлар, жумладан, чойнаклар ички қисмига қасмоқ ўтириб қолади. Бу, ўша идишда сувнинг кўп қайнатилиши билан боғлиқ. Агар чойнак бу қасмоқдан тозаланмаса, унда қайнатилган сув ҳам ўзининг асл таъмини йўқотади.

Худди шундай, нефть ва газ қувурларида вужудга келган зарарли қатлам, яъни қасмоқлар вақтида олиб ташланмаса, улар хомашё таркибига қўшилиб, унинг хосса ва хусусиятларига, маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Тозаловчи вазифасини эса, юқорида таъкидлаганимиз — функционал присадкалар бажаради. Бундай турдаги присадкалар эса Россиядан импорт қилинмоқда. Ҳозир амалга ошираётган **«Шўртангазкимё» мажмуаси газ конденсатлари таркибидаги юқори олефинлар асосида кислородли ва азотли бирикмаларни синтез қилиш»** номли тадқиқотимиз хориждан келтирилувчи ана шундай маҳсулотларни юртимизда ишлаб чиқаришнинг илмий асосларини ўрганишга қаратилган.

Бугунги кунда «Шўртангазкимё» мажмуасида газни қайта ишлаш натижасида, газ конденсатлари, яъни табиий газнинг йўлакай, рангсиз, тиниқ ва ҳаракатчан турли углеводородлар билан аралашмаси ажралади. Таркибида олефин ва парафин каби моддалар бўлган бу суюқлик махсус қурилмаларда мақбул ҳолга келтирилиб, нефтни қайта ишлаш корхоналарида нефть билан бирга бензин, керосин ҳамда дизель ёнилғиси олиш учун ишлатилади. Бундан ташқари, улар асосида бензол, толуол ва ксилоллар, лок-бўёқ тизимли эритувчилар, махсус композицион суюлтирувчилар каби яна кўпгина фойдали моддалар олиш мумкин. Газ конденсатлари органик ва нефть-кимёвий синтезлар учун муҳим хомашё, халқ хўжалигида ярим маҳсулот сифатида қўлланилади.

Бу хомашё таркибидаги юқори олефинлар саноатнинг турли тармоқларида муҳим аҳамиятга эга. Француз тилидан таржима қилинганида «Мой ҳосил қилувчи», деган маънони англатадиган олефинлар осон изомерланиб, полимерланиб ва сополимерланиб қимматбаҳо маҳсулотлар ҳосил қилади. Жумладан, кимёвий реакцияларга киришиш хусусияти юқорилиги ва арзонлиги туфайли улардан пластмасса, синтетик каучук, кимёвий тола ва бошқа муҳим саноат маҳсулотлари олишда фойдаланилади.

Юртимиз илм-фани учун ҳали янги соҳа бўлган тадқиқотимизнинг илк босқичида илмий раҳбарим, профессор Ойтўра Максумова билан биргаликда олефинларнинг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиб, шу асосда спирт ва эфир мойлари каби кислородли бирикмалар синтез қилдик. Таъкидлаш ўринлики, шу пайтгача дунё тажрибасида айнан олефинлар таркибидан спирт ҳосил қилиш ҳодисаси учрамайди.

Айни пайтда, институт лабораториясида тадқиқотимизнинг нефть ва газ саноати учун муҳим бўлган ҳозирги босқичи, яъни функционал присадкалар таркибига қўшиладиган тўртламчи аммоний тузларини синтез қилиш бўйича ишлар давом этмоқда. Тўртламчи аммоний тузларининг афзаллиги шундаки, улар нефть таркибидаги зарарли чўкинди жинсларни эритиш ва қувурлардаги қасмоқларни тозалаш билан бирга, хомашёнинг хоссасига ҳеч қандай зиён етказмайди. Аксинча, бу турдаги маҳсулотлар сифатини яхшилашга хизмат қилади.

**Бундан ташқари, синтез натижасида ҳосил бўлган кислородли ва азотли бирикмалар, жумладан, тўртламчи аммоний тузларидан нафақат нефть ёки газ саноати, балки қишлоқ хўжалиги, кон-металлургия ҳамда тиббиётнинг энг муҳим тармоқларида ҳам фойдаланиш мумкин. Масалан, улар оқова сувларни инсон саломатлиги ва атроф-муҳит экологиясига салбий таъсир кўрсатувчи турли заҳарли моддалар ҳамда чўкинди жинслардан тозалайдиган флокулянт, кон-металлургия соҳасида қоришма шаклида учрайдиган рангли ва қимматбаҳо металларни бир-биридан ажратиб олишда қўлланиладиган флотореагент, медицинада бактерияларни ўлдирувчи препаратлар, қишлоқ хўжалигида маҳсулотларнинг нисбатан қисқа фурсатда етилиши ва ривожланиши учун хизмат қиладиган стимулятор, шунингдек, ёқилғи ва мойларни ҳар хил бирикмалардан халос этадиган депрессор присадка таркибига ҳам қўшилади**.

Ҳозирда бутун дунёда чиқиндисиз технология яратиш бўйича кўплаб тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бироқ корхона саноатга керакли хомашёни қайта ишлаганда, ўз-ўзидан чиқиндилар ҳам ҳосил бўлади. Улардаги турли соҳаларга татбиқ қилиш мумкин бўлган фойдали моддалар илмий жиҳатдан ўрганилмаса, шундайлигича қолиб кетиши мумкин. Табиий газ таркибидаги тез ёнадиган енгил олефинлардан фарқли равишда, газ конденсантларида учрайдиган юқори олефинлар истеъмол учун яроқсиз. Бироқ илм-фан тараққиёти ўзининг юксак чўққисига кўтарилган бугунги даврда бу каби моддалар ҳам саноат учун зарур маҳсулотлар ишлаб чиқишда қўл келмоқда. Бу тадқиқот ҳам айнан юқори олефинлар асосида бажарилаётгани фикримиз далилидир.

Ҳозирда функционал присадкаларнинг муҳим таркибий қисми бўлган тўртламчи аммоний тузларини кўп миқдорда ишлаб чиқариш ҳамда бу жараённинг оптимал шароитини яратиш устида изланишлар олиб боряпмиз. Кейинги йилдан эса уни амалиётга татбиқ қилиш кўзда тутилган.

**Фируза ХОДЖАЕВА,**
**Тошкент кимё-технология институти стажёр-тадқиқотчи, изланувчиси.**

ХОРИЖ

# ЕРНИНГ ТАБИИЙ ЙЎЛДОШИ

## фақат Ойдан иборат эмас экан

**Дарҳақиқат, Ернинг табиий йўлдоши Ой ҳақида барчамиз анчагина билимга эгамиз. Бироқ бу билганларимиз ҳали камлик қилади. Олимларимиз, астронавтларимиз коинот ҳақида, ундаги жисмлару сайёралар ҳақида янги-янги маълумотларни ошкор этмоқдаки, шу пайтгача улар ҳақида бизнинг билганларимиз ҳеч нарса эмас экан. Буни яқинда Бостон шаҳридаги Массачусетс технология институти ва Гавая университети олимлари эълон қилган янгилик ҳам тасдиқлайди.**



Олимларнинг илмий маърузаларида қайд этилишича, Ой Ернинг ягона табиий йўлдоши эмас экан. Ернинг табиий йўлдошлари кўп экан. Фақат улар она сайёрамиз атрофида вақтинча айланаркан холос. Маъруза муаллифларидан бири бўлмиш Микаэл Гравник 2006 йили Ер орбитасида кузатилган номаълум объектни бунга мисол қилиб келтиради. Аниқланишича, ушбу осмон жисми 2006 йили сентябрда коинотда кузатилган ва каталогга «RH120» рақам билан киритилган кичик ҳажмли астероиддир. Ер орбитаси яқинида у эгаллаган вазият уни Ернинг табиий йўлдоши сифатида тан олишга омил бўла оларкан. Мазкур осмон жисми 2007 йил июнь ойига қадар Ер йўлдоши сифатида «фаолият» кўрсатди, сўнг...

Ўшандан бери Микаэл Гравник ва унинг сафдошлари Ер ва Ой гравитация майдонларининг ўзаро бир-бирига таъсири ҳамда номаълум космик объектларни ўзига тортиши сирларини ўрганмоқда. Ва шундай хулосага келдиларки, Ер ва Ой ўзга космик объектларни «ўзига ром» этиши тез-тез содир бўлиб тураркан. Бу космик объектлар эса бизнинг сайёрамиз орбитаси бўйлаб 10 ой давомида айланиши (бу даврда у Ерни уч марта айланади) кузатилган.

# ИРОҚ УРУШИДА

## ҳалок бўлганлар

**Ироқдаги «Iraq Body Count» ташкилоти томонидан тайёрланган ва яқинда эълон қилинган ҳисоботда қайд қилинишича, Ироқ уруши бошланган 2003 йил март ойидан 2011 йилнинг декабригача бўлган даврда умумий ҳисобда 162 минг киши қурбон бўлган. Буларнинг 79 фоизи ҳарбийлар эмас, балки тинч аҳоли вакилларидир.**



Ҳисоботда таъкидланишича, энг қонли уруш 2006 ва 2007 йилларда бўлган — қурбон бўлганлар сони йилига 25 мингдан ортиб кетган. Шундан сўнг қурбон беришлар камая борган: 2011 йилда 4063 киши айнан шафқатсиз уруш боис ҳаётдан кўз юмган.

Яна шуни алоҳида айтиб ўтиш жоизки, бу ҳисоботлар тўлиқ ва батамом аниқ бўлмаслиги мумкин. Негаки, урушнинг кўплаб талафотлари ҳамма вақт ҳам керакли тарзда ҳужжатлаштирилмаган.

Дарвоқе, Америка армияси уруш бошлангандан бери 4484 нафар ҳарбийсидан айрилган, дейилади «iCasualtes» сайтидаги маълумотда.

# УЧ ОЙ ДАВОМИДА

## аҳоли рўйхатга олинади

**Эстонияда 31 декабрдан аҳолини рўйхатга олиш бошланди. Жорий йилнинг 31 январигача электрон тартибда аҳоли рўйхатга олинади.**

Яъни фуқаролар интернет орқали анкета саволларига жавоб йўллашади. 16 февралдан эса рўйхатга олишнинг иккинчи босқичи бошланади. 31 мартгача давом этадиган бу босқичда интернет орқали эълон қилинган анкетага ўз вақтида жавоб йўллай олмаган ёки бунинг уддасидан чиқолмаган аҳоли қатлами рўйхатга олувчилар томонидан рўйхатга олинади.

«Новости» АА хабар беришича, анкета кишиларнинг туғилган вақти, жойи, миллати, маълумоти, ижтимоий келиб чиқиши, яшаш тарзи, тили, мутахассислиги, иш жойи, оиласи, диний эътиқодию мулкий муносабатлари, оила ёрдамчи хўжалигию турар-жойлари ва бошқа бир қанча саволларни қамраб олади.

Аввалги аҳолини рўйхатга олиш тадбири 2000 йили ўтказилган. Ўшанда республика аҳолиси 1,34 миллион кишини ташкил этган эди.

# АТИГИ 20 ФОИЗ ЕР

## қишлоқ хўжалиги учун яроқли ҳолга келтирилади

**Яхши эслаймизки, ўтган йилнинг 11 мартида Япониянинг шимоли-шарқидаги Хонсю оролида 9,0 магнитудага тенг кучланишда зилзила рўй берган эди.**

Зилзила оқибатида денгизда улкан цунами юзага келиб, Япония қирғоқларига урилган ва Ивате, Мияги ҳамда Фукусима музофотларига ёпирилган. Айрим жойларда цунамининг баландлиги 30 метрга етган.

«Шарқий Япониянинг буюк зилзиласи» номини олган ушбу табиий офатлар натижасида 19 мингдан ортиқ киши ҳаётдан кўз юмган ва бедарак йўқолган. Уларнинг 93 фоизи айнан цунами оқибатида қурбон бўлган. Мамлакат Қишлоқ хўжалиги вазирлигидан олинган манбаларга асосланиб «NHK» телеканали маълумот тарқатишича, табиий офат 20,5 мингга яқин гектардаги шолизор ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари майдонларини ишдан чиқарган, яъни лой, туз ва чиқиндиларга тўлдириб ташлаган.

Экин майдонларини турли чиқиндилардан тозалаш узлуксиз давом эттирилаётган бўлишига қарамай, жорий йил баҳоригача атиги 4,3 минг гектар экин майдони — 20 фоизга яқин ер яроқли аҳволга келтириларкан. Экин майдонларини тўлиқ яроқли ҳолга келтириш учун эса яна уч йил вақт керак.

Шунингдек, табиий офат натижасида «Фукусима-1» атом электр станциясининг биринчи ва учинчи реакторларида портлашлар юз бериб, атроф ҳавоси, суви, тупроғи ва экин майдонлари радиация билан зарарланди. Энди унинг оқибатларини тўлиқ бартараф этиш учун 30 йил керак бўлади.

# ТЕАТРГА ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАЛАРИ

**Фарғона вилоят давлат рус драма театри илк бор 1932 йилда саҳна асарини томошабинларга намойиш этган эди. Ўтган қарийб 80 йил давомида жаҳон драматургияси классик асарларидан то замонавий ўзбек ёзувчиларининг пьесаларигача саҳналаштирилди. Таниқли актёр Александр Абдулов (марҳум) ҳам шу театрда илк ролларини ўйнаган, шу ерда маҳорат сирларини ўрганиб, шаклланган эди. Ҳозир бу ерда Анвар Абдуллаев, Аброр Бакиров, Ольга Зиль каби ёш, умидли актёрлар ижод қилмоқда.**



2011 йилда эса театр репертуари янги асарлар билан бойиди. Николай Лесковнинг «Леди Маквет мценцкая уезда» («Мценц уездининг жонони»), Жўра Маҳмуднинг «Когда с небо падало танга» («Зафарнинг саргузаштлари»), Эркин Хушвақтнинг «Румянная яблоко» («Қирмизи олма») пьесалари саҳналаштирилди. Иқтидорли актёрлар Ольга Гурнич, Алишер Мадалиев, Дима Попов, Азима Йўлдошева ижро этган роллар юксак маҳорат савияси билан томошабинлар меҳрини қозонди. Йўлдош Сулаймоннинг «Уроженец Фергани» («Ал-Фарғоний») асари эса мана неча йилдирки саҳнадан тушмайди.

— 2012 йил театримиз учун қувончли воқеалар йили бўлиши кутиляпти, — дейди театр директори Октябр Тўхтасинов. — Ҳукуматимиз театр биносини мукаммал таъмирлаш, замонавий саҳна технологиясини жорий қилиш учун етарли миқдорда маблағ ажратди. Мустақиллик куни байрамини мутлақо янгиланган театр кошонасида янги саҳналаштирилган асарларимиз билан кутиб оламиз. Репертуаримиз янги асарлар билан тўлдирилади.

Шундай қувончли кунда Фарғона вилоят ҳокимлиги рус драма театри ижодий жамоаси учун тантанали қабул уюштирди. Янги йил дастурхони ёзилиб, санъаткорлар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

— Вилоят маданий ҳаётини рус драма театрисиз тасаввур қилиб бўлмайди, — деди Фарғона вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Шуҳратжон Ғаниев. — Бундан кейин ҳам саҳна усталари юксак савиядаги ижодий ютуқларга эришиши, замонамиз қаҳрамонлари образини яратишлари учун барча зарур шарт-шароитларни яратамиз.

— Бизга ҳамиша эътибор ва ғамхўрлик кўрсатаётгани учун аввало Юртбошимизга чексиз миннатдорчилик билдирмоқчимиз, — дейди театр режиссёри Клавдия Новак. — Бизнинг вазифамиз бундай ғамхўрликларга жавобан янги-янги саҳна асарларимиз билан халқимиз, айниқса, ёшларимиз маънавиятини янада бойитишдир.

**Муҳаммаджон ОБИДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**



# РАВШАН ЭРМАТОВ – ЖАҲОННИНГ ЭНГ КУЧЛИ ҲАКАМИ

**Жаҳондаги футбол ҳакамлари фаолиятини таҳлил қилиб, баҳолаб борадиган Worldreferee.com сайти ўзбекистонлик ФИФА рефериси Равшан Эрматовни 2011 йилги футбол мавсуминнг "Энг яхши ҳаками", деб эълон қилди.**

**Шунингдек, ҳамюртимиз футболга ихтисослашган яна бир интернет сайти − Euro-football.ru ташкил этган сўровда ҳам «Йилнинг энг яхши ҳаками» сифатида эътироф этилди.**

Спорт

# ЯНГИ ЙИЛНИНГ ЯНГИ РЕЖАЛАРИ

**— Ўтган йил ҳаётингизда қандай из қолдирди?**
**— Янги йилдаги режаларингиз?**



***Абдулла ТАНГРИЕВ, кураш ва дзюдо бўйича жаҳон чемпиони:***

— 2011 йил менинг ҳаётимда ўчмас из қолдирди. Дзюдо бўйича мутлақ вазнда ўтказилган жаҳон чемпионатида олтин медалга сазовор бўлдим. Бу муваффақият 2012 йили Лондонда бўладиган ХХХ ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этишим учун имконият яратди. Шунингдек, Термизда ўтган Ал-Ҳаким ат-Термизий халқаро турнирида қаторасига олтинчи маротаба бош совринни қўлга киритдим. Булар спортда эришган ютуқларим. Шунингдек, 2011 йилнинг апрелида оила қурдим.

— Хабарингиз бор, 2008 йили Пекин олимпиадасида дзюдо бўйича ўз вазн тоифамда иккинчи ўринни олгандим. Ниятим Лондон олимпиадасида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, юртимизга олтин медаль билан қайтиш.



***Вадим МЕНЬКОВ, каноэда эшкак эшиш бўйича икки карра жаҳон чемпиони, уч бор «Жаҳоннинг энг яхши каноэчиси»:***

— Мухлислар чемпионлардан фақат ғалаба кутишга одатланишган. Якунланган йилда Венгрияда ўтказилган жаҳон чемпионатида қатнашдим. 1000 метр масофага эшкак эшишда маррага учинчи бўлиб етиб келдим ва бронза медали билан кифояландим.Бироқ бу кўрсаткичдан хафа эмасман. Чунки Венгрияда кечган баҳсларда ўз олдимга нафақат кучлилар қаторидан жой олишни, балки Лондон олимпиадаси йўлланмасини қўлга киритишни бош мақсад қилиб қўйгандим.

— 2012 йилда Лондон олимпиадасининг олтин медалини қўлга киритиш учун қаттиқ тайёргарлик кўраяпман. Фурсатдан фойдаланиб, барча ҳамюртларимизни кириб келган Янги йил билан чин юракдан табриклайман.

***Анатолий ДЕМЯНЕНКО, «Насаф» жамоаси бош мураббийи:***



— Ўзбекистонда иш бошлаганимнинг дастлабки кунларидаёқ, бу ерда футболни ривожлантириш тўғри йўлдан кетаётганлигини ҳис қилгандим. Шунинг учун Қаршининг «Насаф» футбол клуби билан уч ярим йиллик шартнома имзоладим. Якунланган мавсум нафақат қашқадарёлик, балки бутун Ўзбекистон футбол мухлислари учун ёрқин таассуротларга бой бўлди. Жамоамиз аввалига ОФК кубогини қўлга киритиб, барчани хурсанд қилди. Сўнгра миллий чемпионатда кумуш медаль билан тақдирланди.

Кириб келган Янги йилдан умидимиз янада катта. «Насаф» футболчилари келаси мавсумда илк маротаба Осиё чемпионлар лигасида ўз омадини синаб кўради. Аввало ана шу мусобақада мухлисларимизни хурсанд қилиш ниятидамиз. Бундан ташқари, миллий чемпионат ва Ўзбекистон кубоги баҳсларида ғолибликни қўлга киритишни мўлжаллаяпмиз.



***Жасур ЛАТИПОВ, бокс бўйича (48 кг) жаҳон чемпионати совриндори:***

— Ўтган йили ўз вазн тоифамда мамлакатимиз бош жамоаси таркибидан жой олиш мен учун осон бўлгани йўқ. Шу туфайли Бокуда ўтказилган жаҳон чемпионатида рингга кўтарилганимда аввало ота-онам, мураббийларим ҳамда халқимиз ишончини оқлашга ҳаракат қилдим. Ниҳоятда муросасиз ва шиддатли кечган учрашувлар якунида бронза медалига сазовор бўлиб, 2012 йили Лондонда бўладиган ХХХ ёзги Олимпия ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритганимдан беҳад бахтиёрман.

— Янги йилдаги энг катта орзуларимдан бири, бу албатта, Лондон олимпиадасида муносиб иштирок этиш. Аслида спортчи учун олимпиадада қатнашишнинг ўзи бир бахт бўлса-да, мен Лондонда камида жаҳон чемпионатида қайд этган натижамни такрорлашни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман.

**Эркин ХОЛБОБО ёзиб олди.**

**Ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари диққатига!**

Реклама

## Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

**2012 йил дастури асосида қуйидаги объектларнинг қурилиши бўйича пудратчи ташкилотларни танлаш юзасидан очиқ танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:**

| № | Объектнинг номи ва манзили | Бошланғич нарх | | Қурилиш муддати |
|---|---|---|---|---|
| | | ҚҚС билан (млн.сўм) | ҚҚСсиз (млн.сўм) | |
| | **Касб-ҳунар коллежлари** | | | |
| Лот 4-1 | Сурхондарё вилояти, Денов тумани «Юрчи» ҚФЙдаги «Қишлоқ хўжалиги» йўналишидаги касб-ҳунар коллежи биносини капитал таъмирлаш | 250,253 | 208,544 | 3 ой |
| Лот 4-2 | Сурхондарё вилояти, Қумқўрғон тумани «Оқжар» қишлоғидаги «Қишлоқ хўжалиги» йўналишидаги касб-ҳунар коллежи биносини капитал таъмирлаш | 390,449 | 325,374 | 3 ой |
| Лот 4-3 | Сурхондарё вилояти, Бойсун туманидаги «Иқтисодиёт ва қурилиш» йўналишидаги касб-ҳунар коллежи биносини капитал таъмирлаш | 235,702 | 196,418 | 2 ой |
| Лот 4-4 | Сурхондарё вилояти, Сариосиё тумани «Шарғун» қўрғонидаги қурилиш соҳасига оид касб-ҳунар коллежи биносини капитал таъмирлаш | 285,183 | 237,652 | 2 ой |
| Лот 4-5 | Сурхондарё вилояти, Денов тумани «Хайробод» ҚФЙдаги «Педагогика» йўналишидаги касб-ҳунар коллежи биносини капитал таъмирлаш | 765,076 | 637,563 | 5 ой |
| | **Умумтаълим мактаблари** | | | |
| Лот 5-1 | Сурхондарё вилояти, Бойсун туманидаги 19-мактабни капитал реконструкция қилиш | 396,834 | 330,695 | 4 ой |
| Лот 5-2 | Сурхондарё вилояти, Шеробод туманидаги 370 ўринли 66-мактабни капитал реконструкция қилиш | 704,371 | 586,975 | 6 ой |
| Лот 5-3 | Сурхондарё вилояти, Термиз тумани «Намуна» СФУ Тинчлик маҳалласидаги 33-мактабни капитал реконструкция қилиш | 324,1 | 270,083 | 4 ой |
| Лот 5-4 | Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани Янги турмуш ҚФЙ «Гуржак» қишлоғидаги 270 ўринли 49-мактабни капитал реконструкция қилиш ва 9х18 м ўлчамдаги спорт зал қурилиши | 793,583 | 661,319 | 6,5 ой |

**Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Бюджетдан ташқари Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.**

**Буюртмачи:** Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

**Манзили:** Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй, Тел/факс: (8-376) 222-49-71, 222-49-80, 222-49-85.

**Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга мос келишлари керак:** танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги 1475-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сонли қарорларига асосан марказлашган маблағлар ҳисобидан капитал таъмирланадиган объектларнинг танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади

Лот 5-1 ва 5-2 бўйича қурилиш қиймати 500 млн. сўмгача бўлган объектларнинг танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади ҳамда мазкур танлов савдоларида қатнашувчилар таркиби бўйича кичик бизнес соҳасига кирувчи ташкилотлар учун квота миқдори 100 фоизни ташкил қилади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: **Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уй, телефон/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.**

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — объектларнинг қурилиш қийматига қараб 70000 сўмдан 100000 сўмгача

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда:

**Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уйда** ўтказилади.

ОБ-ҲАВО 5-6 – 01. 2012

| Юртимиз бўйлаб (°С) | | |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти | -2 / -7 | 0 / -5 |
| Бухоро ва Навоий вилоятлари | -2 / -7 | 0 / -5 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари | -2 / +3 | -2 / +3 |
| Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари | -2 / +3 | -2 / +3 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари | 0 / -2 | -2 / +3 |
| Тошкент шаҳри | 0 / -1 | 0 / +1 |

| Дунё бўйлаб (°С) | |
|---|---|
| Лондон | +10 / +8 |
| Париж | +11 / +9 |
| Москва | -1 / 0 |
| Мадрид | +10 / +9 |
| Пекин | 0 / -1 |
| Гонгконг | +14 / +15 |
| Рим | +13 / +11 |
| Анқара | +7 / +9 |
| Токио | +8 / +9 |
| Стокгольм | +3 / +1 |
| Кейптаун | +20 / +20 |
| Қоҳира | +15 / +18 |
| Гавана | +15 / +20 |
| Вашингтон | +7 / +8 |

MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari), G'affor HOTAMOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80;
Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 146
20075 nusxada bosildi.
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 20.10
Topshirilgan vaqti — 23.10

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5